


Ҳурматли тадбиркорлар!



Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритишларини таъминлаш ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан бирidir.

Шу боис бугун мамлакатимизда тараққиёт локомативи, юрт таянчи бўлган сиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятларингизни

ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиш устувор вазифалардан бири саналади.

Айни мақсадда бир қатор солиқ имтиёзлари ҳам тақдим этилган бўлиб, бу юртимиз ишбилармонларига фаолиятларини ривожлантириш ва янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 11-мартдаги "Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-758-сонли қонуни билан Солиқ кодексига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сурхондарё вилоятининг Узун тумани Боботоғ ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 17 февралдаги "2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субектларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди. ь

Таъкидлаш жоизки, бу каби солиқ имтиёзлари тадбиркорларга маблағларини тежаш ва тежалган маблағни фаолиятлари ривожига сарфлаш имконини беради.

"Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи" тамойили асосида Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан жорий йилнинг апрел ойи давомида кўплаб ишлар амалга оширилди:

- 106 та тадбиркорлик субектининг 117 дан ортиқ муаммолари ўрганилиб, уларнинг 88 таси бевосита солиқ ходимлари кўмагида ҳал этилди;

- Солиқ ходимлари томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 76 та корхонадаги 103 нафар норасмий ишловчи фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилди;

Бундан ташқари, тадбиркорлик субектлари иштирокида 3 маротаба учрашувлар ўтказилиб, солиқ қонунчилигидаги янгиликлар ҳамда ҳисоботларни тўлдириш ва топшириш тартиблари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шамсиддин Қосимов, Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи